

XI. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ


Дастлабки маълумотларга кўра вилоятнинг ташқи савдо айланмаси 2020 йилнинг январь–март ойларида 279,4 млн. АҚШ долларини, жумладан экспорт 105,8 млн. АҚШ долларини, импорт 173,7 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Ташқи савдо айланмасининг сальдоси - 67,9 млн. АҚШ долларни, шу жумладан МДХ давлатлари билан - 43,0 млн. АҚШ долларини ва бошқа давлатлар билан -25,0 млн. АҚШ долларини ташкил этди.


Вилоятнинг ташқи савдо айланмаси (2020 йилнинг январь–март ойларида)

	млн. АҚШ доллари	2019 йилнинг январь–март ҳолатига нисбатан фоиз ҳисобида	яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Ташқи савдо айланмаси	279,4	97,4	100
МДХ давлатлари	155,4	124,2	56,6
бошқа давлатлар	124,0	76,6	44,4
Экспорт	105,8	96,9	100
МДХ давлатлари	56,3	125,4	53,2
бошқа давлатлар	49,5	77,0	46,8
Импорт	173,7	97,6	100
МДХ давлатлари	99,2	123,5	57,1
бошқа давлатлар	74,5	76,3	42,9
Сальдо	-67,9	x	x
МДХ давлатлари	-43,0	x	x
бошқа давлатлар	-24,	x	x

Экспорт ва импортни амалга оширган корхоналар сони
(2020 йил январь–март ҳолатига)



**МДХ ва бошқа давлатларнинг вилоят
ташқи савдо айланмасидаги улуши**
(январь–март ҳолатига, фоизда)




Вилоят резидентларининг ташқи савдо операциялари асосан Осиё (жами товар айланмасининг (72,1 фоизи), Европа (25,5 фоизи), Америка (0,5 фоизи) ва Африка (1,8 фоизи) давлатлари билан амалга оширилган бўлиб, жами савдо айланмасининг 100,0 фоизини ташкил қилди.

**Вилоят ташқи савдо айланмасининг
қитъалар бўйича тақсимланиши**
(2020 йил январь–март ойларида, млн. АҚШ доллари)

	Экспорт, млн. АҚШ доллари	Импорт, млн. АҚШ доллари	Ташқи савдо айланмаси		
			млн. АҚШ доллари	2019 йилнинг январь–март ҳолатига нисбатан фоиз ҳисобида	жамига нисбатан фоизда
Жами	105,7	173,7	279,4	97,4	100,0
<i>шу жумладан:</i>					
Европа	29,2	41,9	71,2	79,3	25,5
Осиё	70,8	130,7	201,5	105,1	72,1
Америка	0,5	1,0	1,5	16,6	0,5
Африка	5,2	0,01	5,2	182,1	1,9

МДХ давлатлари орасида Россия Федерацияси, Қозоғистон, Қирғизистон, Украина ва Тожикистон давлатлари, ташқи савдо айланмасида асосий ҳамкорлар ҳисобланиб, уларнинг жами ташқи савдо айланмасидаги улуши 54,1 фоизни ташкил қилади, бошқа давлатлар орасида Хитой, Германия, Туркия, Корея Республикаси, Польша ва бошқа давлатлари ҳисобланади ва уларнинг улуши 34,3 фоизини ташкил қилади.


**Вилоят ташқи савдо айланмасига нисбатан катта улушга
эга бўлган давлатлар билан ташқи савдо айланмаси
(2020 йилнинг январь–март ойларида, фоизда)**




**Вилоят ташқи товар айланмасида нисбатан катта улушга
эга бўлган давлатлар билан ташқи савдо айланмаси
(2020 йилнинг январь–март ойларида)**

	<i>млн. АҚШ доллари</i>	<i>2019 йилнинг январь–март ҳолатига нисбатан, фоиз ҳисобида</i>	<i>вилоят товар айланмасидаги улуши, фоиз ҳисобида</i>
Хитой	64,7	83,8	23,2
Россия Федерацияси	53,6	102,9	19,2
Қозоғистон	58,2	143,3	20,8
Қирғизистон	32,6	169,8	11,7
Туркия	22,3	94,5	8,0
Тожикистон	4,5	69,2	1,6
Германия	1,8	16,8	0,6
Корея Республикаси	7,1	87,7	2,5
Литва	3,8	6 м.	1,4
Вьетнам	0,8	30,8	0,3
Латвия	2,3	50,0	0,8
Украина	0,7	116,7	0,3
Япония	64,7	83,8	23,2

Товар ва хизматларнинг экспорт таркиби, жамига нисбатан фоизда
(2020 йил январь–март фоиз ҳисобида)




Товар ва хизматларнинг импорт таркиби, жамига нисбатан фоизда
(2020 йил январь–март фоиз ҳисобида)




**МДХ ва бошқа давлатлар билан амалга оширилган
ташқи савдо таркиби қуйидагича ифодаланади
(2020 йилнинг январь–март ойларида)**

Экспорт




бошқа мамлакатлар




- пахта толаси
- кимё ва ундан ясалган буюмлар
- озиқ-овқат маҳсулотлари
- энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари
- машина ва ускуналар
- хизматлар
- бошқалар

Импорт МДХ



бошқа мамлакатлар



- | | |
|-------------------------------------------|---------------------------|
| ■ машина ва ускуналар | ■ озиқ-овқат маҳсулотлари |
| ■ кимё ва ундан ясалган буюмлар | ■ хизматлар |
| ■ қора ва рангли металл | ■ бошқалар |
| ■ энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари | |

Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти

2020 йилнинг январь–март ойларида жами 26,3 минг тоннадан зиёд мева-сабзавот маҳсулотлари 16,4 млн. АҚШ долларига экспорт қилинди (ўсиш суръати -4,8 % пасайди). Мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт таркибига қаралса, 2020 йилнинг январь–март ойларида 17,4 минг тоннадан кўпроқ сабзавотлар 6,2 млн. АҚШ долларига ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,1 минг тоннага кам миқдорда экспорт қилинган.

Шунингдек, 5,8 минг тонна мева ва резаворлар 7,5 млн. АҚШ долларига экспорт қилинган бўлиб, экспорт ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,7 минг тоннага кўпдир.

Мева-сабзавот маҳсулотларининг таркиби



Шуни айтиб ўтиш жоизки, мамлакатимизда экспорт салоҳиятини кенгайтириш, янги бозорларни ўзлаштириш натижасида мева-сабзавот маҳсулотлари, узум, полиз, дуккакли экинлар, шунингдек, қуритилган сабзавот ва меваларни экспорт қилиш ҳажми ошиб бормоқда. Жумладан, 2020 йилнинг январь–март ойларида мева-резаворлар ҳамда сабзавотлар экспорт ҳажми 16,4 млн.АҚШ долларига етди (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан - 4,8% мартага кўпайди).